ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-232-237

ЧОРВА МОЛЛАРНИ ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Шуҳрат Тошматович Джуманов
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Академияси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада терговчи ва суриштирувчи томонидан чорва молларини таниб олиш учун кўрсатишнинг тушунчаси, турлари ва ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш хусусиятлари ёритилган.

Таянч сўзлар: мансуб, рангли суратлар, тасвирлаш, каллалар, шохлар, насл, одатлар, тириклиги, эгалари, қилиқлар, юнг қоплами, анатомик тузилиши.

ABSTRACT

The article describes the concept, types and characteristics of the presentation of livestock for identification by the investigator and the inquiry officer.

Keywords: belonging, color pictures, description, heads, horns, lineage, habits, vitality, owners, deeds, wool cover, anatomical structure.

КИРИШ

Жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган шахснинг айбини фош этиш, қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш орқали одил судловни амалга оширишда ўтказиладиган тергов ҳаракатлари, хусусан таниб олиш учун кўрсатиш салмоқли ўрин эгаллайди. Жиноят-процессуал фаолиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш ҳамда шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг имкониятларидан исботлаш воситаси сифатида самарали фойдаланиш мақсадида уни ўтказиш тартибини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. [1;134]

Чорва моллари ўғрилашни тергов қилишда яна бир кўп учрайдиган тергов харакати – таниб олиш учун кўрсатиш. Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларининг мустақил ва алоҳида босқичи бўлиб, илгари кузатилган, оғзаки тасвирланган объектнинг айнан шу объект эканлиги ва қайси гуруҳга мансублигини аниклашдан иборатдир. Таниб олиш учун кўрсатиш амалиётда кўп учрайдиган тергов ҳаракатларидан биридир. Суриштирувчи ва ва терговчиларнинг ушбу тергов ҳаракатини илмий-назарий жиҳатидан яхши

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-232-237

билиши, амалиётда муҳим натижаларни қўлга киритиш имконини беради. Ушбу тергов ҳаракати чорва моллари ўғрилаш жиноятларини тергов қилишда айниқса қўл келади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Чорва молларини таниб олиш учун кўрсатишни тергов ҳаракатининг бир тури деб таърифлаш мумкин. Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва қоидалари Жиноят-процессуал кодексга алоҳида модда тарзида киритилмаган бўлиб, умумий қоидаларга асосланган ҳолда ўтказилади.

Ушбу турдаги жиноятнинг моҳиятини очиш мақсадида чорва молларини таниб олиш учун кўрсатишни қуйидаги турларга бўлиб ўрганган маъқул:

- тирик чорва молларини кўрсатиш;
- чорва молларининг рангли суратларини кўрсатиш;
- чорва молларининг мурдасини кўрсатиш;
- чорва моллари мурдасининг алоҳида қисмлари ёки танасида айрим белгилар мавжуд бўлганда, ушбу белгиларни таниб олиш учун кўрсатиш;
- сўйилган, ўлдирилган ёки ўлган чорва молларилариинг терилари алоҳида топилганда, уларни таниб олиш учун кўрсатиш, шунингдек, уларнинг каллаларини, шохларини ҳамда оёқ-туйёқларидаги белгиларига кўра кўрсатиш.

Чорва молларилари таниб олишда уларнинг қуйидаги белгиларига эътибор бериш лозим:

- наслига;
- ташқи кўриниши ва рангига;
- табиий белгиларига;
- эгалари томонидан қўйилган белгиларига, хусусан, энига (кертикларига), лақабларига ва одатларига кўра;
- чорва молларининг муайян масофадан ўз эгаларининг уйларини топиб келиш одатларига;
- чорва моллари одамлар орасидан ўз эгасини топиб, унинг олдига бориши уни ялаши ва унга суйкалишига.

Чорва молларини таниб олиш учун кўрсатишдан олдин юқорида қайд қилиб ўтилган белгилар бўйича таниб олувчи шахсни сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят-процессуал кодекс қоидаларига кўра, шахсларни таниб олиш учун кўрсатишда шу шахсга ўхшаш яна икки шахс бўлиши ва улар бир қаторда туриши зарур. Мурда эса фақат якка тарзда кўрсатилади. Чорва молларини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-232-237

таниб олиш учун кўрсатишда ҳам шу қоидаларга риоя қилиш лозим. Лекин чорва молларининг мурдасини ёки мурдасининг қисмларини қандай ҳолда кўрсатиш масаласи амалиётда қийинчиликларга сабаб бўлмокда. Бундай ҳолларда чорва молларининг мурдалари ва мурдаларининг қисмлари якка ҳолда кўрсатилиши мақсадга мувофиқ, чунки амалиётда бошқа чорва молларининг мурдаларини ёки мурдаларининг қисмларини топиш қийинроклиги табиий. Шунинг учун ЖПКнинг 128-моддасида: «Турдош объектлар орасидан таниб олиш тўғрисидаги қоида мурдани таниб олишда қўлланилмайди», – деб қайд этилган. [1;92].

Чорва молларини таниб олувчи шахсни сўроқ қилганда қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- таниб олувчи шахснинг хусусияти, чорва молларига бўлган алоқаси ва муносабати;
- ўғриланган чорва молларининг насли, ёши, жинси, кўринишлари, одатлари;
- унинг танасида мавжуд бўлган табиий белгилари, эгаси қўйган энлари ҳамда лақаби.

Ана шулар аниқланганидан сўнг, чорва молларини таниб олиш учун кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, чорва молларини ва улар мурдаларининг қисмларини ёки териларини таниб олиш учун кўрсатишдан аввал ҳамма вақт шу чорва молларини ва уларнинг мурдаларини ҳамда териларини диққат билан кўздан кечириб, улардаги белгиларни аниқлаб олиш ушбу тергов ҳаракатини ўтказишга яқиндан ёрдам беради. Чорва молларни ва уларнинг мурдаларини ҳамда мурдаларининг алоҳида қисмларини кўздан кечиришда расмга тушириш ва бу суратларни расмийлаштириб, жиноят ишларига қўшиб қўйиш дастлабки тергов ҳаракатларининг пухта ўтказилишига ва далилларга баҳо беришга ижобий таъсир кўрсатади. [3;22].

Чорва молларини таниб олиш учун кўрсатишга салбий таъсир этадиган омиллар қуйидагилардан иборат:

- чорва молларида алоҳида белгиларнинг мавжуд эмаслиги;
- чорва молларининг эгаси томонидан энлаб, белги қилиб қўйилмаслиги;
- жиноят содир бўлганидан сўнг бир-икки йил ўтгач, шу чорва моллари топилганда унда юз берган ўзгаришлар (унинг семириб кетиши, озиб кетиши, ўсиши ва ҳ. к.);
- ўғриланган чорва моллари сўйилганидан кейин уларда пайдо бўладиган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-232-237

ўзгаришлар;

- ўғирланган чорва моллари сўйилганидан сўнг гумон қилинувчининг уйидан ёки дала ҳовлиларидан орадан анча вақт ўтгандан кейин топилган калла-поччаларидаги ҳамда териларидаги ўзгаришлар;

- чорва моллари наслларининг ўзгариб бориши.

Чорва молларини таниб олиш учун кўрсатишга ижобий таъсир этадиган омиллар:

- жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи ва айбланувчининг чорва молларида мавжуд бўлган белгиларни аниқ тасаввур қилиши ва ушбу тасаввурини аниқ ифодалай олиши;

- чорва молларида табиий белгиларнинг ва одатларнинг мавжуд бўлиши;

- чорва молларида эгалари томонидан қўйилган белгиларнинг мавжудлиги;

- ўғриланган чорва молларининг қисқа муддатда топилиши, таниб олиш учун кўрсатилиши ва ҳ. к.

МУҲОКАМА

Чорва молларини таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатида маълум хусусиятларга эга. Масалан, тирик чорва молларини таниб олиш учун кўрсатилганда шу чорва молларига ўхшаш яна иккита тирик чорва моллари топиш мақсадга мувофиқдир. Аммо бундай чорва молларини қидириб топиш осон бўлмайди. Бунинг учун суриштирувчи ёки терговчининг яқин орада жойлашган жамоа хўжаликларига ва бошқа чорва молбоқар хўжалик ташкилотларига (фермер хўжаликлар) мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ. Бунда ушбу чорва моллари бошқа шунга ўхшаш турдош чорва моллар ичига қўйиб юборилади ва сўнгра таниб олиш учун кўрсатилади. Ушбу чорва молларини очиқ жойда ўзаро яқин боғлаб қўйилган бошқа ўхшаш чорва моллар ичидан таниб олиш учун кўрсатиш ҳам мумкин. Аммо ушбу тергов ҳаракатини шу тарзда ўтказишда қуйидагиларга албатта эътибор бериш лозим:

- чорва молларининг насл бўйича ўхшашлиги;

- чорва молларининг ёшлари ва кўринишлари бўйича ўзаро ўхшашлиги;

- чорва молларининг жинси ва рангининг ўхшашлиги.

Ана шу қоидаларга риоя қилган ҳолда ушбу тергов ҳаракатининг ижобий натижаси ва объективлигига эришиш мумкин.

Ҳозирги вақтда асосан тирик чорва молларини ва уларнинг жасадини таниб олиш учун кўрсатиш шакллари мавжуд.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-232-237

Биз чорва молларини таниб олиш учун кўрсатиш шаклларига қуйидагиларни қўшишни тавсия этиш мумкин:

- чорва молларини суратлари бўйича таниб олиш учун кўрсатиш;
- чорва молларини видиоёзув орқали таниб олиш учун кўрсатиш;
- чорва молларини она, боласи ёки биргаликда ўсганлиги аломатларини инобатга олган ҳолда бири-бирига қўшишда уларни ҳар хил берган белгилари ва қиликлари орқали бир-бирини танишиши шаклида;
- қора моллари, майда чорва моллари ва йилқиларнинг лақабларини айтиб чақирганда, уларнинг ўз ҳаракатлари билан эгасининг чақириғига муносабатини билдириш шаклларида;
- эгаларининг ўз чорва молларини маъраши ва бошқа овоз беришларидан таниб олиши шаклида;
- эгалари ёки бошқа шахсларнинг чорва молларини уларнинг одатлари ва қиликларидан таниб олишлари шаклида;
- чорва молларининг ўз эгаларини бошқа одамлар орасида таниб бориб, уларга суйкалиши шаклида;
- чорва молларини оғилга қўйиб юборганда, уларнинг охурдаги ўз жойига бориб турганлиги, ўз жойларини билдирганлиги шаклида таниб олиш учун кўрсатиш шаклларини тавсия этилади.

НАТИЖАЛАР

Чорва моллари ўғрилаш жиноятини тергов қилишда чорва молларини таниб олиш учун кўрсатиш далилий аҳамиятга эга бўлади. Амалда чорва молларининг эгаси (жисмоний шахс ёхуд давлат ёки жамоат ташкилотининг вакили юридик шахслар) томонидан таниб олиниши чорва моллари ўғрилашга доир ҳар бир жиноят иши бўйича амалга оширилади.

Таниб олиш учун кўрсатиш кўрсатилган ҳайвоннинг белгиларини илгари кўрилгани билан қиёслаш орқали амалга оширилади. Ҳайвоннинг ташқи белгилари унинг юнг қоплами ва анатомик тузилишидан ташкил топади. [4;311].

Ҳайвонни таниб олиш натижаларининг далилий аҳамияти кўп жиҳатдан ҳайвоннинг юнг қоплами ва анатомик тузилишининг белгиларини тўғри тасвирлашга боғлиқ. Бироқ чорва моллари ўғрилашга доир жиноят ишларини текшириш амалиётида ҳайвоннинг зотини, танасининг қисмларини, юнгининг рангини, тамғаларининг жойлашган ўрнини ва бошқаларни эркин (яъни ноилмий) тасвирлаш ҳоллари тез-тез учраб туради. Кўпинча бундай қоидадан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-232-237

четга чиқишлар маҳаллий хусусиятлар билан белгиланади.

Ушбу масалани тартибга солиш учун жиноят ишларини кўриб чиқишда тегишли фанларда белгиланган аниқ атамалардан фойдаланиш зарур. Ҳайвонни тасвирлашда унинг жинсини, ёшини, зотини, рангини аниқлашга катта эътибор берилади. [5;27]. Чорва молларининг асосий зотлари чорвачиликка оид ўқув қўлланмаларида аниқ таърифлаб берилган.

ХУЛОСА

Ҳайвон танаси қисмларининг терминологияси ҳайвонлар танасининг шартли топографик соҳалар бўйича тузилиши тўғрисидаги фан бўлмиш топографик анатомияда ишлаб чиқилган. Шу нарса аниқланганки, ҳайвонлар танаси айрим қисмларининг номлари қора моллари, майда чорва моллари, йилқи ва чўчқаларнинг худди шу номдаги топографик соҳаларига ўхшашдир.

Ҳайвон танаси қисмларининг тўғри номланиши тамғалар жойлашган жойларни, турли аномалияларни, илгари бўлган жароҳат изларини, тамғалашни тўғри тасвирлаш ва бошқа ишлар учун айниқса муҳимдир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси-Т-2021
2. Криминалистик тактика: Дарслик / Т.Б. Маматкулов, Ш.Т. Джуманов, У.Т. Тургунов ва бошқ. – Т.: 2013.
3. Собиров К.А. Предъявление для опознания Учебное пособие.-Т- 2009
4. Ф. Герасимов, ЯЛ. Драп-К 82 кин, Е.П. Ищенко и др.Криминалистика: Учеб. для вузов/ Под ред. И.Ф. Герасимова, Л.Я. Драп-кина — 2-е изд., перераб. и доп.— М- 2000
5. «Полная энциклопедия животноводства / [сост. Ю. Д. Бойчук]»: Б- 2015
6. Поташник Д.П. Криминалистическая тактика. – М., 1998
7. Пособие для следователя. Расследование преступлений повышенной общественной опасности. Коллектив авторов. – М., 1999
8. Расследование преступлений. Руководство для следователей /Под общей редакцией И.Н.Кожевникова. – М., 1997
9. Следственные действия /Под ред. В.А. Образцова. – М., 1993
10. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс. СПб., 2006 36. Тактика следственных действий. /Под ред. В.И.Комиссарова., -Саратов. 2000.